

Жалолиддин Румий



15:40 / 04 октябрь 1272

(1207-1273)

Сўфий шоир, ислом дини уламози, машҳур фақиҳ – Жалолиддин Румий нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ном қозонган, бундан саккиз аср аввал яшаб ижод қилган бўлса-да, ҳозиргача ўз ихлосмандлари ва ўқувчиларига эга улўф мутафаккирлардан биридир. Сўзимиз исботи сифатида Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби буюк сўз усталари Румийни устоз деб билишганини, XX аср охирлари – XXI аср бошларида ҳам унинг асарлари АҚШ, Осиё ва Европанинг бир қатор давлатларида энг харидоргир адабиётлар қаторидан ўрин эгаллаганини айтиб ўтиш мумкин.

Румий 1207 йил (ўша даврда Хоразмшоҳлар давлатига қарашли) Балх вилоятининг Вахш шаҳрида, ўз даврининг машҳур мутасаввуф донишманди, Кубровия силсиласи асосчиси Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди, йирик хатиб ва воиз – Баҳовуддин Валад оиласида дунёга келди.

Жалолиддин 12 ёшга тўлганида ота-онаси билан бирга мўғул босқини хатаридан қутулиш ҳамда ҳаж фаризасини адо этиш ниятида Балхни тарк этди. 1230 йилда оила Онадўли (ҳозирги Туркия ҳудуди) марказидаги Кония шаҳридан қўним топди. Ёш Жалолиддин Шом, Ҳалаб, Дамашқ, Қайсария ва бошқа йирик илм марказларида таълим олиб, ўз даврининг етук донишманди бўлиб етишди. Таниқли румийшунос Зарринкуб таъбири

билан айтганда, «Мавлононинг 68 йиллик ажойиб умри бошдан-оёқ бир шеър, гўзал, бетакрор, туғёнли ашъор жараёни, садоси ва бонги билан йўғрилиб ўтди».

«Ҳилол» журнали 2(59) сон